

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Барча фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ягона электрон базага киритилади

Вазирлар Маҳкамасининг 10.08.2018 йилдаги 645-сон қарори билан қишлоқ ҳўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий АҚТни кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тасдиқланди.

Ягона электрон ахборот маркази ташкил этилмоқда

У қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда фаолият юритади.

Қуйдагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

➤ контрактация шартномалари, Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилган кредитлар, фермер ҳўжаликларига етказиб берилган ресурсларнинг мониторингини юритиш;

➤ фермер ҳўжаликларига минерал ўғитлар, ЁММ-ни етказиб беришнинг кафолатланган ҳўжмлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базасини юритиш;

➤ туман ҳокимининг экин ерларини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги қарори, ер ижара шартномаси, контрактация, хизмат кўрсатиш шартномалари реестрини юритиш ва ҳ.к.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат», «Ўздонмахсулот», «Ўзагрокимёҳимоя», «Ўзнефт-

махсулот», «Ўзагротехсаноатҳолдинг», «Агробанк», Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари тузилган шартномалар, ажратилган кредитлар тўғрисидаги барча зарур ахборот Марказга тақдим этилишини таъминлайди.

Шунингдек қишлоқ ҳўжалиги корхоналари учун Марказ доирасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг электрон савдо майдончаси бепул ташкил этилади.

Барча қишлоқ ҳўжалиги корхоналари – ягона базада

Жорий йил 1 октябрга қадар фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, шунингдек қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг ягона электрон базаси шакллантирилади (СТИР ва контур кесимида) ҳамда унинг тизимли янгиланиб борилиши таъминланади.

2019 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ ҳўжалиги корхоналари Марказ тизими орқали электрон иш юритишга тўлиқ ўтади. Ҳужжатлар электрон рақамли имзо ёрдамида тасдиқланади.



Қишлоқ ҳўжалигига АҚТни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди. Унинг асосий йўналишлари этиб қуйдагилар белгиланди:

➤ етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, унинг ҳажмлари ва турлари тўғрисида ягона электрон маълумотлар базасини яратиш;

➤ қишлоқ ҳўжалиги соҳасида agroonline.uz (Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги), oziq-ovqat.uz («Ўзбек-озиковқатҳолдинг»), agromart.uz (Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши) сингари миллий веб-сайтлар ишини такомиллаштириш;

➤ тайёрловчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини биржа савдоларида электрон ахборот тизимлари ёрдамида сотиб олишларини таъминлаш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 11.08.2018 йилдан кучга кирди.

Тўқимачилик корхоналари учун пахтани сотиб олиш шартлари енгиллаштирилди

Ҳукуматнинг 2018 йил 15 августдаги «Тўқимачилик саноати корхоналарини янада рағбатлантириш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 664-сон қарори қабул қилинди.

Эслатиб ўтамиз, мамлакат ичида пахта толасини сотишга монополия бекор қилинган. «Ўзпахтасаноат» АЖ, пахта-тўқимачилик ишлаб-чиқаришлар ва кластерлар, шунингдек ички бозорда сотиш учун импорт пахта толасини олиб келаётган импорт қилувчи ташкилотлар уни биржа савдолари орқали сотишади. Ички бозорда пахта толасини сотиш механизмида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Бунинг устига улар ҳам маҳаллий тўқимачилик корхоналарига (харидорлар), ҳам «Ўзпахтасаноат» АЖ тарқи-

бига қирадиган пахта тозалаш корхоналарига (етказиб берувчилар) дахл қилди.

Биринчидан, умумий қоидага кўра, пахта толасини биржада сўмга харид қилган ҳолда харидорлар 100 фоиз олдиндан тўловни амалга оширишлари керак. Бироқ, ҳужжат 2017–2018 йилги пахта толаси ҳосилини сотишнинг алоҳида шартларини жорий қилди:

➤ 2017 йилги ҳосил учун – нархнинг 15%ини олдиндан тўлаш, қолган 85%ига банк кафолати бериш

ва якуний ҳисоб-китоби 90 кун мобайнида амалга ошириш;

➤ 2018 йилги ҳосил учун – нархнинг 35%ини олдиндан тўлаш, қолган 65%ига банк кафолати бериш ва якуний ҳисоб-китоби 90 кун мобайнида амалга ошириш.

Иккинчидан, пахта толасига жаҳон нархлари ҚҚС-ни ҳисобга олганда улгуржи прејскуртан нархлардан паст нархларда шакланган тақдирда республика ташкилотларига уни сотишда етказиб берувчилар ҚҚСни ҳисоблаб чиқарадиган формула ўзгарди. Агар илгари асос учун 10% чегирма билан жаҳон нархлари (ҚҚС = жаҳон нархлари 10% чегирма билан x 20/120) олинган бўлса, энди ҳақиқий сотиш нархи олинади:

ҚҚС = ҳақиқий сотиш нархи x 20/120

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 16.08.2018 йилдан кучга кирди.

Баҳоловчиларга қандай тоифалар берилади

Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 11.08.2018 йилда 3052-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 1.06.2018 йилдаги ПҚ–3764-сон қарори билан баҳоловчиларга тоифа беришнинг сертификатланган баҳолов-

чилар (малака сертификати берилаётган вақтда берилади – тахр.), иккинчи, биринчи ва олий тоифали баҳоловчиларни ўз ичига олувчи тизими

жорий этилган. Тоифа бериш учун асосий мезон иккита: баҳоловчи сифатида иш тажрибаси ва баҳолаш бўйича мустақил равишда бажарилган ишлар сони.

Қандай ҳужжатлар керак

Баҳоловчи тоғишли тоифани олиш учун Корпоратив бошқарув

2-Бетда

Ушбу сонда:

3-БЕТ

Ваколатхона очиш учун зарур шартлар

4-БЕТ

Олди-сотди битимини қайси ҳолда бир киши имзолай олади?

7-БЕТ

Ҳайдовчига ишдан кетаётганда малака ошириш сертификатини бериш шартми?

8-БЕТ

«Хорижий паспорт»ни расмийлаштириш қоидалари

Баҳоловчиларга қандай тоифалар берилади

1-бетда илмий-таълим марказига (Марказ) бериш тақдим этиши (почта ёки e-mail орқали жўнатиши) керак, унга қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

➤ баҳоловчи ташкилот томонидан аслига тўғрилиги тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан нусха;

➤ баҳоловчи ташкилот томонидан аслига тўғрилиги тасдиқланган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг нусхалари;

➤ баҳоловчи малака сертификатининг нусхаси;

➤ ҳужжатларни кўриб чиқиш учун тўлов – 1 ЭКИХ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ариза берувчидан бошқа ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Тоифалар қандай берилади

Марказ ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида баҳоловчининг ҳужжатларини тоифа бериш бўйича махсус комиссияга йўллаш учун қарор қабул қилади. Унинг таркиби ЛБМА, Марказ, баҳоловчи ташкилотлар ва баҳоловчилар бирлашмалари вакиллари (камида 5 кишидан) ташкил топади.

Комиссиянинг йиғилишлари ҳар 2 ойда камида 1 мартаба ўтказилади ва унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Тоифа олиш учун талабгор бўлган баҳоловчи комиссия

йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида у ўтказиладиган кундан камида 10 кун олдин хабардор қилинади. Комиссия йиғилишлари ўтказиш жараёнида узлуксиз равишда видеоёзувга туширилади.

Йиғилишда талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилади, унинг баҳолаш ҳисоботлари таҳлил қилинади. Баҳоловчи белгиланган талабларга жавоб берган тақдирда, унга тоифа бериш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қуйидаги ҳолларда рад жавоби беришлари мумкин:

➤ баҳоловчи тоифа учун белгиланган талабларга жавоб бермаса;

➤ тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар нотўғри ёки ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланса.

Қарор баҳоловчи иштирокисиз, очиқ овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади (овозлар тенг бўлган тақдирда – комиссия раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади, бетараф қолиш мумкин эмас). Ижобий қарор асосида баҳоловчининг малака сертификатига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Бунинг учун баҳоловчи Марказга қуйидагиларни йўллайди:

➤ малака сертификатини қайта расмийлаштириш ҳақида ариза;

➤ малака сертификатининг асл нусхаси;

➤ комиссия котибининг имзоси билан тасдиқланган тоифани бериш ҳақидаги қарор нусхаси.

Тоифа қачон тасдиқланади

Баҳоловчига нисбатан бир неча бор асосланган шикоятлар келиб тушган тақдирда, унга тоифа берилган кундан бошлаб 1 йилдан сўнг («сертификатланган баҳоловчи» тоифаси бундан мустасно) Марказ тоифани тасдиқлаш жараёнини амалга ошириши мумкин.

Тасдиқлаш жараёни баҳоловчининг фаолияти натижалари ва сифати бўйича, шунингдек унинг баҳолаш фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, баҳолаш ҳисоботи сифатини ошириш тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва уларни таҳлил қилишдан иборат.

Марказ баҳоловчининг амалдаги тоифасига мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғдирувчи маълумотларни аниқлаган тақдирда, у комиссияга баҳоловчининг тоифасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида ҳужжатларни юборишга ҳақли. Ҳужжатлар тоифа бериш тартибидан бўлгани сингари кўриб чиқилади.

Тоифаси пасайтирилган баҳоловчи бир йилдан сўнг уни тиклаш юзасидан комиссияга мурожаат этиши мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 13.08.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, Олег Заманов, «Норма» МЧЖ экспертлари.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

Телекоммуникация тармоқларига қонунга хилоф равишда уланганлик учун санкцияларни жорий этмоқчилар

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тузатишлар лойиҳасини ишлаб чиқди. Қонун лойиҳаси ҚҲТБТ порталида муҳокама қилинмоқда.

Биринчидан, жиноят аломатлари (иккинчидан дейилган жойга қаранг) мавжуд бўлмаганда, телекоммуникациялар тармоғига қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) уланганлик учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш назарда тутилмоқда. Мазкур ҳуқуқбузарлик учун фуқароларга – 10 ЭКИХдан 20 ЭКИХгача миқдорда, мансабдор шахсларга эса 20 ЭКИХдан 50 ЭКИХгача миқдорда жарима солиш тақлиф қилинмоқда. Ҳуқуқбузарлик қуроллари мусодара этилади.

Маълумот учун: телекоммуникациялар тармоғи – узатишларнинг бир ёки бир неча турини: телефон, телеграф, факсимиль турларини, маълумотлар узатиш ва ҳужжатли хабарларнинг бошқа турларини, телевизион ва радиоэшитириш дастурларини трансляция қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуи («Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси).

Иккинчидан, лойиҳадан келиб чи-

қилса, қуйидагилар жиноят аломатлари ҳисобланади:

➤ телекоммуникациялар тармоғига қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) улашишдан мақсад – ундан белгиланган ҳимоя тизимларини айланиб ўтган ҳолда фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш;

➤ ушбу мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини сақлаш ва улар ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш.

Қўрсатилган қилмишлар учун санкция сифатида 100 ЭКИХдан 300 ЭКИХгача миқдорда жарима ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш тақлиф этилмоқда.

Ўша ҳаракатлар:

➤ бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

➤ тақдоран ёки хавфли рецидивист томонидан;

➤ хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

➤ уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилиши кўрсатилган.

Лойиҳа тасдиқланса, санаб ўтилган ҳолларда айбдорлар 300 ЭКИХдан 600 ЭКИХгача миқдорда жарима ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Учинчидан, телекоммуникация тармоқларига қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) улашиш учун махсус воситаларни сотиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд сотиш ва тарқатиш – алоҳида жиноят тури. Уни содир этганлик учун ЖКнинг 278-3-моддаси бўйича жавобгарликка тортиш тақлиф этилган (аввалги *иқтисод қонунлари*да ЖК ва МЖТКнинг янги моддаларини жорий этиш назарда тутилмоқда – *таҳр.*).

Ахборот коммуникациялари вазирлигининг (қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчи – *таҳр.*) тушунтиришларига кўра, МЖТКга киритиш тақлиф этилаётган ўзгартиришлар, масалан, бундан тижорий наф олишни кўзламай, телефон алоқаси ёки Интернетдан бекуп фойдаланиш учун қўшилларнинг телефон линияси ёки Wi-Fi тармоғига уланувчиларга қарши қаратилган.

ЖКга киритиладиган тузатишларда тижорат асосида халқаро сўзлашувларни ташкил этиш бўйича қонунга хилоф фаолиятга чек қўйиш мақсади кўзланган. Шахсий мақсадда ёки бизнес учун ахборот ёки ахборот ресурсларига улашиш, шунингдек VPN-тармоқлар, VPN-каналлар, прокси-серверлардан фойдаланишни чеклаш масалалари тилга олинмаган.

Шу ўринда қуйидагиларни қўшимча қилмоқчимиз: октябрь ойида янги Маълумотлар узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидалари амал қила бошлайди, унга мувофиқ бир марталик SMS-пароль ва аутентификациядан фойдаланган ҳолда фойдаланувчининг усли алоқа телефони рақами ёки бошқа рўйхатдан ўтказиш маълумотлари бўйича унинг шахси идентификацияланганда Wi-Fi тақдим этилади. Ушбу шарҳ муаллифининг фикрича, баён этилган тартибни бузган ҳолда фойдаланишга телекоммуникациялар тармоғига қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) улашиш деб қарашлари мумкин.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов, «Норма» МЧЖ эксперти.

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз
1-2-бетлар

• **НОРМАТИВ ЛОЙИҲА**
– Телекоммуникация тармоқларига қонунга хилоф равишда уланганлик учун санкцияларни жорий этмоқчилар
2-бет

• **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**

– Ижро этилмайди
– Ваколатхона тижорат билан шуғулланиши тақиқланган
– Бир шахснинг турли қиёфаси
– Иштиёрий равишда ижро этиш жаримадан озод қилади
3-4-бетлар
• **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Вояга етмаганларни ишдан бўшатиш: алоҳида талаблар

– Масофадан туриб ишлаш
5-бет
• **АВТОНОРМА**
– Автоташувчининг танловига кўра
– Исми ёзилган сертификатни эгасига беринг
– Класс учун устама
– ЙХҚни бузганлик учун жарима тўлашнинг қулай усули
6-бет
• **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**

– ННТнинг чет эллик ходимлари учун – аккредитация карточкасининг янги шакли
– Холангиз бор бўлса
– Доимий пропискадан ўтган жойида
– Турар жой майдонига муҳтожман
– «Хорижий паспорт» қандай расмийлаштирилади
– Бир уйда биргаликда
7-8-бетлар

Ваколатхона тижорат билан шуғулланиши тақиқланган

Хорижий юридик шахс – норезидент Ўзбекистонда ваколатхона очмоқчи.

Бунинг учун қандай шартларга риоя этиш лозим? Қайси органга мурожаат қилиш ва қандай ҳужжатларни тақдим этиш зарур? Ваколатхона қанча муддатда очилади? Ваколатхона очаётганда қандай мажбурий тўловлар назарда тутилган?

ЎзР ҳудудидида кўчмас мулкни ижарага бериш хизматларини кўрсатиш учун ваколатхона очиш мумкинми?

– Хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналарини аккредитациялаш тартиб-таъмили Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомда (ВМнинг 23.10.2000 йилдаги 410-сон қарорига 1-илова) белгиланган.

б) хорижий фирма жойлашган мамлакатда унинг расмий равишда рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи, тегишли давлат органи томонидан берилган ҳужжат (давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки савдо реестридан кўчирма);

в) ваколатхона бошлиғига хорижий фирма томонидан берилган, паспор-

ваколатхонасининг тасдиқномасини тақдим этади;

д) турар жой бўлмаган бино эгаси бўлган ЎзР юридик ёки jisмоний шахсининг мазкур бинони ваколатхонага ижарага беришга ёки сотишга тайёрлигини тасдиқловчи (ижарага бериш ёки сотиш шартлари ва муддати кўрсатилган) кафолат хати. Агар кўрсатилган шахслар берилаётган бинонинг ёлловчилари ҳисобланса, у ҳолда кафолат хати ушбу бинонинг эгаси билан келишилган бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган рўйхатдагидан ортиқча қўшимча материалларни сўраб олиш тақиқланади (Низомнинг 11-банди).

Ваколатхонани аккредитация қилиш учун ЭАВда тўлов ундирилади, у хорижий фирма томонидан аккредитация қилувчи орган ҳисобрақамига ўтказилади (Низомнинг 12-банди). Унинг миқдори – 1 200 АҚШ доллари (Ставкаларнинг X бўлими, ВМнинг 19.08.1993 йилдаги 423-сон қарорига 2-илова).

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда аккредитация қилишга рухсат бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ариза берилгандан кейинги кундан бошлаб 10 иш кунни мобайнида амалга оширилади. Аккредитация қилувчи орган тегишли қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб 3 кун мобайнида бу ҳақда аризачига ёзма равишда хабар қилади (Низомнинг 13-банди).

Фақат хорижий авиакомпанияларнинг ваколатхоналари Ўзбекистонда тижорат фаолияти билан шуғулланишга ҳақли (Низомнинг 8-банди). Хорижий ташкилот ваколатхонасининг кўчмас мулкни ижарага бериш фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Ваколатхона муайян даромад, шу жумладан кўчмас мулкни ижарага беришдан даромад олишни режалаштирган бўлса, у доимий муассаса деб тан олинади (Солиқ кодексининг 20-моддаси). Натижада Солиқ кодексининг 79, 80-моддаларига назарда тутилган тартибда солиқ органларида ҳисобга қўйилишига, Солиқ кодексининг 155-1, 265-моддаларига мувофиқ фойда ва мол-мулк солиқларини тўлашига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органининг маълумотлари асосида солиқ органлари томонидан амалга оширилади (Солиқ кодексининг 271-моддаси 12-қисми).

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

2013 йилда ўтказилган режали текширув натижаларига кўра кичик корхона бош бухгалтерига нисбатан маъмурий жазо – 79 590 сўмлик жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилинган эди. 2018 йил февралда, шунингдек июлда бош бухгалтернинг уй манзилига Мажбурий ижро бюросидан чақирув қогози (белгиланмаган шаклдаги, сана ва рўйхат рақами қайд этилмаган) келди. Унда МИБ ихтиёрида унга нисбатан 79 590 сўмлик маъмурий жазо қўллаш тўғрисида ижро ҳужжатлари борлиги маълум қилинган эди. Бундан ташқари, чақирув қогозида Бюрога келиб, ижро ҳужжати талабини ихтиёрий равишда бажариш талаб қилинган эди. Акс ҳолда ЖКнинг 82 ва МЖТКнинг 198-1-моддаларига мувофиқ 10 ЭКИХ миқдорида жарима ҳам қўлланиши айтилган эди. Давлат ижроси бўлган Бюронинг маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб 5 йил ўтган жаримани тўлашни талаб қилиши тўғрими?

Ижро этилмайди

– Йўқ, давлат ижроси нотўғри талаб қўйган.

МЖТКнинг 330-моддасида маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор ижросининг муҳлати назарда тутилган. Башарти маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб 3 ой давомида ижро этишга қаратилмаган бўлса, у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди.

МЖТКнинг 330-моддаси қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш учун асосларни ҳам ўз ичига олган. Чунончи, манфаатдор томон берган шикоят кўриб чиқилгунга қадар ёхуд прокурор протест билдиргандан ижро тўхтатиб турилади (МЖТКнинг 318-моддаси). Унинг ижроси эса уни дарҳол ижро этишга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда 1 ойгача муддатга кечиктирилиши мумкин (МЖТКнинг 328-моддаси).

Азим Ажибеков,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ваколатли аккредитация қилувчи орган ҳисобланади (Низомнинг 6-банди). Хорижий ташкилот ваколатхонани аккредитация қилиш учун унга қуйидагилар кўрсатилган аризани тақдим этади:

а) хорижий фирма фаолияти тўғрисида маълумотлар;

б) Ўзбекистон корхоналари ва ташкилотлари билан амалий ва бошқа турдаги алоқалар, бажарилишига ваколатхона кўмаклашадиган тузилган шартномалар ва битимлар тўғрисида муфассал маълумотлар;

в) ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари;

г) ваколатхонани очишга рухсатнома сўраладиган муддат (Низомнинг 10-банди).

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) тижорат ташкилотлари ваколатхоналари бўйича – хорижий фирма рўйхатдан ўтказилган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг таъсис ҳужжатлари; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ваколатхоналари бўйича – ваколатхона очишни мўлжаллаётган органининг мақомини ва ваколатини белгилувчи меъёрий ёки бошқа ҳужжат;

ти маълумотлари ва унга берилаётган ваколатлар тўлиқ кўрсатилган ҳолдаги ишончнома;

г) хорижий фирма раҳбарияти томонидан тасдиқланган ва фирма муҳри билан муҳрланган ваколатхона тўғрисидаги низом.

Рўйхатдан ўтказилган мамлакатдаги ЎзР консуллик муассасасида, у мавжуд бўлмаган тақдирда эса, хорижий фирма рўйхатдан ўтказилган давлатнинг ТИВда, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида белгиланган тартибда қонунлаштирилиши, кейинчалик ЎзР ТИВнинг консуллик бошқармасида тасдиқланиши керак.

Ҳужжатлар нотариал тасдиқланган давлат ёки рус тилидаги таржимаси билан тақдим этилади. Агар ҳужжатларга апостиль қўйилган бўлса, легаллаштириш талаб этилмайди.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг бир қисми хорижий фирма мамлакатининг қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, хорижий фирма аккредитация қилувчи органга ТИВнинг ёхуд хорижий фирма таъсис этилган мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик

Бир шахснинг турли қиёфаси

Норезидент – Германия фуқароси Ўзбекистонда турар ва нотузар жойга ажратилган кўчмас мулкка эга. Мулкдор мол-мулкни ўзи муассиси ва директори бўлган хорижий фирма – ЎзР норезидентига (Германияда рўхатдан ўтказилган) сотиш истагини билдирди. Мазкур битим Тошкентдаги нотариусда расмийлаштирилади.

1. Мазкур битимни нотариал расмийлаштириш учун қандай ҳужжатлар зарур?
2. Нотариус мазкур битимни расмийлаштиришга рухсатнома олиш учун ЎзР ИИБга сўров юбориши шартми?
3. Мазкур битимни расмийлаштиришда биргина шахс сотувчи ва харидор бўлиб чиқиши мумкинми?



1 Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимни тасдиқлашда Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг III боби 2-17-параграфларига амал қилиш лозим (АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўхатдан ўтказилган).

Тошкент шаҳрида кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимлари 2017 йил 1 июлдан бошлаб Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорлигини қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 27.02.2017 йилдаги 106-сон қарорига 1-илова) асосида тасдиқланади.

Битимни нотариал тасдиқлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ноёб рақам берилган электрон аризининг қоғоз ёки электрон шаклдаги нусхаси;

- паспорт ёки битим тарафларининг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

- кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди;

- хусусийлаштирилган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишда – кўчмас мулкни хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг нотариал тасдиқланган розилиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган

корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органларидан (Тошкент шаҳрида – «Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази» ДУҚДан) олинган хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома;

- агар кўчмас мулк биргаликдаги никоҳ давомида орттирилган бўлса – эрнинг (хотиннинг) нотариал тасдиқланган розилиги;

- агар кўчмас мулкнинг қурилиши тугалланмаган бўлса – маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

- агар кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса – гаровга олувчининг розилиги;

- агар васийликдаги (ҳомийликдаги) шахс номидан васий (ҳомий) шартнома тузса – васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги;

- юридик шахслар учун – юридик шахс ваколатли органининг қарори (умумий мажлис баённомаси, кузатувчи кенгашнинг қарори, буйруқ ва ҳ.к.).

Био ва иншоотларнинг таркиби ва тегишлилиги тўғрисидаги маълумотлар, солиқ тўловчининг идентификация рақами, шунингдек доимий пропискага эга шахслар ёки вақтинчалик ҳисобда турувчи (вақтинча прописка қилинган) шахсларнинг паспортига оид маълумотларни нотариуслар идоралараро

электрон ҳамкорлик орқали мустақил оладилар (Низомнинг 12-банди; Йўриқноманинг 50-8-банди).

Нотариус битимда иштирок этаётган юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини текшириш пайтида унинг таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқиши, шунингдек у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳамда амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар унинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини текшириши шарт

(Йўриқноманинг 40-банди). Келтирилган нормадан келиб чиқилса, нотариусга хорижий юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари ва у давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши керак. Бунда ушбу ҳужжатлар хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 5.10.1961 йил, ЎзР учун 15.04.2012 йилдан кучга кирган, Германия ҳам Конвенцияга аъзо ҳисобланади) мувофиқ апостиль қўйиб тақдим этилиши лозим.

2 Чет эл юридик шахслари Ўзбекистон ҳудудида ҳўжалик фаолиятларини ва ЎзР қонунларида ман этилмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўладиган ўз мулкларига эга бўлишга ҳақлидирлар («Ўзбекистон Республикасида мулкчилик

тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси). Ўзбекистон қонунчилигида норезидентлар (жисмоний ва юридик шахслар) ўртасида кўчмас мулк олди-сотди битимларини расмийлаштиришга ИИБ рухсатномасини мажбурий тартибда олиш талаб этилмайди.

3 Кўчмас мулкнинг олди-сотдиси бўйича битим тарафлари турли шахслар (жисмоний ва юридик шахс) бўлгани сабабли ЎзР қонунчилиги бундай битимни сотувчи (жисмоний шахс номидан) ва харидор (юридик шахс номидан) сифатида чиқувчи бир киши имзолаши имконини чекламайди.

Хорижий юридик ёки жисмоний шахснинг мулки бўлган бинолар ва иншоотлар сотилган тақдирда уларни давлат рўйхатидан ўтказиш факат

бинолар ва иншоотларни сотишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ёки жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилган тақдирда амалга оширилади (Низомнинг 42-банди, ВМнинг 7.01.2014 йилдаги 1-сон қарорига 1-илова).

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Реклама

НОРМА

**«КИЧИК
КОРХОНА
ЭЛЕКТРОН
БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини
тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
Тел. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Ихтиёрий равишда ижро этиш жаримадан озод қилади

МЖТКнинг 198-1-моддасига мувофиқ, қарздорнинг ижро ҳужжатини унинг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаслиги ёки унинг зиммасига муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра давлат ижрочиси белгиланган муддатда ижро этилмаслиги фуқароларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонунчиликнинг мазкур нормасини қўллаш муддатлари ва шартлари қандай?

– МЖТКнинг 198-1-моддасида қайд этилишича, қарздор узрсиз сабабларга кўра ижро ҳужжатининг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун ёхуд муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш учун белгиланган муддатни бузса, жаримага тортилади: фуқаролар ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахслар эса – 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда.

Масалан, қарздорнинг суд қарорини ижро этмаси, давлат ижрочисига мурожаат қилиш ва у орқали қарзни ундиришга ҳақлиси. Бунинг учун давлат ижрочисига зарур ҳужжатларни (суднинг қарори, ижро варағи) тақдим этасиз, шундан сўнг у ижро иши юритишни кўзгатиш тўғрисида қарор чиқаради. Унда давлат ижрочиси қарздорга имконият беради – ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун муддат белгилайди. Мазкур муддат ижро иши юритишни кўзгатиш тўғрисида қарор чиқарилган кундан эътиборан 15 кундан ошмаслиги керак («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23, 71-моддалари). Қарздор ушбу муддатда ижро ҳужжати талабларини бажармаса, давлат ижрочиси унга МЖТКнинг 198-1-моддасида назарда тутилган жаримани солишга ҳақли бўлади.

Азим Ажибеков, «Norma» МЧЖ эксперти.

Вояга етмаганларни ишдан бўшатиш: алоҳида талаблар

Меҳнат кодексига 18 ёшга тўлмаган ходимлар ва ёш мутахассислар учун меҳнат шартномасини асоссиз бекор қилишдан қандай қўшимча кафолатлар белгиланган?

— 18 ёшга тўлмаган ходимлар ва ёш мутахассисларни меҳнат шартномаси асоссиз бекор қилинишидан ҳимоя қилиш учун Меҳнат кодексига қўшимча кафолатлар сифатида иш берувчининг айрим талабларни бажариши назарда тутилган. Яъни у қуйидагиларни бажариши шарт:

➤ меҳнат шартномасини бекор қилишнинг уму-

мий тартибига риоя қилиши, бироқ, бундан ташқари, 18 ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга маҳаллий меҳнат органининг розилигини олиши (МКнинг 246-моддаси);

➤ ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўқув юр்தларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан 3 йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилари билан меҳнат шартномаси у тузилган кундан эътиборан 3 йиллик муддат ўтунига қадар иш берувчининг

ташаббусига қўра бекор қилинганда бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор қилиши (МКнинг 247-1-моддаси).

Шу тариқа, кўрсатилган шартлардан лоақал биттасини бажармаган иш берувчи мазкур шахслар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш имконидан маҳрум бўлади.

Абдусалом Рисқуллаев,
«Norma» МЧЖ бош эксперти.

Масофадан туриб ишлаш

МЧЖ ҚКга иккита ходимни ишга қабул қилдик, офисда эса жой йўқ. Уларга иш жойлари жиҳозлаб бериладиган офис бор, бироқ ижара шартномалари тузилмаган. Ходимлар доимий равишда, бироқ масофадан туриб ишлаши кўзланмоқда.

Ушбу ходимларга компания офисидан ташқарида иш жойларини бериш мумкинми? Қандай қилиб тўғри қабул қилиш ва иш жойини қайд этиш мумкин?

— Бу ҳолда ходимлар билан меҳнат муносабатларини масофадан туриб қуришни тавсия этамиз.

Меҳнат шартномасини тузиш

Ходимларни ишга расмийлаштириш учун улар билан меҳнат шартномаси тузиш зарур. Уни Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар (ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 1-илова) асосида масофадан туриб ишлаш хусусиятини ҳисобга олиб тайёрлаш мумкин.

Масофадан туриб ишлаш меҳнат шартномасида ҳисобга олиниши лозим бўлган хусусиятларга эга. Унга меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартиб-

га солинмаган шартлар киритилиши мумкин (МКнинг 4-моддаси). Шартлар масофадан туриб ишловчи ходим аҳолини меҳнат тўғрисидаги қонунларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштириши керак эмас.

Имзоланган меҳнат шартномаси асосида **масофадан туриб ишлайдиган ходимни ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ** чиқарилади (МКнинг 82-моддаси). Буйруқ тузилган меҳнат шартномаси мазмунига зид бўлмаслиги керак.

Шартнома шартлари

Масофадан туриб ишлайдиган ходим билан тузилган меҳнат шартномасида албатта:

➤ **иш тури** масофадан туриб бажарилишини кўрсатиш;

➤ ходимнинг **вазифаларини** (лавозим мажбуриятларини) қайд этиш;

➤ ходим иш берувчига жўнатиши керак бўлган **ҳужжатлар рўйхатини**, масалан, бажарилган иш тўғрисидаги ҳисоботларни (далолатномаларни) белгилаш. Ҳужжатлар шакллари, ҳужжатлар ҳаракати тартиби, шу жумладан ходим барча хабарларини иш берувчига жўнатиши лозим бўлган электрон почта манзилини корхонанинг махсус локал

ҳужжати (масалан, меҳнатни масофадан туриб ташкил этишда электрон ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низом) билан тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир;

➤ масофадан туриб ишлайдиган ходимнинг иш вақти режимини белгилаш. Амалиётда масофадан туриб ишлайдиган ходим иш ва дам олиш режимини ўзи белгилайди, у корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларига тўғри келмаслиги мумкин. Меҳнат шартномасида қуйидагиларни қайд этиш лозим: «Ходим ўзига бириктирилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб, иш вақти давомийлиги, иш жадвалини ўзи учун мустақил равишда бел-

гилайди». Бироқ меҳнат шартномаси тарафлари ходимнинг ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунушини тақозо этадиган бошқа шартларни ҳам назарда тутишга ҳақли (бажариладиган вазифа шуни талаб этганда). Бу ҳолда меҳнат шартномасида қуйидагилар қайд этилиши мумкин: «Масофадан туриб ишлаш тўғрисидаги мазкур меҳнат шартномаси шартлари мазмунига зид келмаган қисмида ички меҳнат тартиби қоидалари ходимга нисбатан татбиқ этилади. Иш ўзгарувчи жадвал бўйича иккита дам олиш кунни билан 5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтаси режимиде бажарилади»;

➤ **ишни топшириш муддатлари ва тартиби**, шунингдек иш берувчи билан алоқага чиқиш тартиби ва даврийли-

гини белгилаш (бу шартларни корхонанинг локал ҳужжатида ёки меҳнат шартномасининг ўзида назарда тутиш ҳам мумкин);

➤ масофадан туриб ишлайдиган ходимнинг **меҳнатига ҳақ тўлаш шакли, тизими**, тариф ставкаси, маоши, ишни бажариш билан боғлиқ мукофотлар, устамалар ҳамда бошқа қўшимча ҳақ ва тўловлар миқдорларини белгилаш;

➤ **йиллик меҳнат таътили берилиши**, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик ва вақти бажариш билан боғлиқ мукофотлар, устамалар ҳамда бошқа қўшимча ҳақ ва тўловлар миқдорларини белгилаш.

Масофадан туриб ишлайдиган ходимнинг ҳуқуқлари кафолати

Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ходимларга меҳнат қонунчилигида назарда тутилган барча шартлар ва преференциялар татбиқ этилади.

Масофадан туриб ишлайдиган ходим билан тузилган меҳнат шартномаси умумий асосларда ёзма равишда тузилиши шарт. Унда тарафлар корхона жойлашган жойда шартнома тузганликларини кўрсатиш лозим. Бунда масофадан туриб ишлайдиган ходим меҳнат шартномаси бўйича мажбуриятларини бевосита бажарадиган иш жойини (ҳудудини) кўрсатиш мумкин (масалан, ходим ўз ишининг натижаларини топширадиган жойини).

Масофадан туриб ишлаш учун қабул қилинаётган талабгорни лавозим мажбуриятлари (лавозим йўриқнома-

си), шунингдек унинг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа локал норматив ҳужжатлар, иш берувчининг буйруқлари (фармойишлари), жамоа шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, рағбатлантириш тўғрисидаги низомлар ва бошқа ҳужжатлар билан тилхат олиб таништириш зарур. Буни меҳнат шартномасини имзолашдан аввал амалга ошириш даркор. Яъни ходим ушбу ҳужжатлар билан танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, имзо қўйиши керак. Масофадан туриб ишлайдиган ходимларга умумий меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва меҳнат ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар ҳамда ички локал ҳужжатларнинг амал қилиши татбиқ этилади.

Валерия Ляндрес,
кадрлар хизмати ходими.

Реклама

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани,
Галимджон кўч. 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



Автоташувчининг танловига кўра

Автоташувчилар 3 ойдан 1 йилгача муддатга сугурталанишлари мумкин.

Тегишли тузатишлар «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонунга киритилди, улар 3 ой ўтгача амалга киритилади (26.07.2018 йилдаги ЎРҚ-488-сон Қонун).

Биринчидан, йўловчилар ва уларнинг мол-мулкни автомобилда ташишни амалга оширувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномаси 3 ойдан 1 йилгача бўлган муддатга тузилиши мумкин.

Бу умумий қонундан истиснодир, унга мувофиқ ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномаси қатъий 1 йилга тузилади. Шу тариқа, йўловчилар ва уларнинг мол-мулкни темир йўл, ҳаво, дарё ва бошқа транспортда ташишни амалга оширишда (автомобиль транспортдан ташқари) фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномаси илгаригидек 1 йилга тузилади.

Қуйдаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим. Бунда ташувчи деганда шахар йўловчилар транспортда, темир йўл, ҳаво, автомобиль, дарё транспортда ва бошқа транспортда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкни тижорат асосида ташиш бўйича хизматлар кўрсатуви ва бунинг учун махсус лицензияга эга бўлган юридик шахс тушунилади.

Йўловчиларнинг мол-мулки – уларнинг бағаж ва ўзи билан бирга ташиётган қўл юки. Бинобарин, юкларни автомобиль транспортда ташиш (йўловчи бағаж ва қўл юкидан ташқари) мазкур Қонун таъсири остига тушмайди. Тегишинча, киритилган тузатишлар ҳам уларга татбиқ этилмайди. Юклар автотранспортда ташишда «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонун қўлланилади, унинг доирасида сугурта шартномаси 1 йилга тузилади (9-модда).

Иккинчидан, белгиланишича, сугурта полисида ташувчининг транспорт воситаси (вагонлари) тўғрисидаги маълумотлар: тури, маркази, модели, рақамли (танитувчи) белгиси, ишлаб чиқарувчи завод паспорти бўйича йўловчи сигими кўрсатилган бўлиши керак. Ушбу ахборотни сугурта полисининг амалдаги таркиби билан бир қаторда кўрсатиш керак бўлади («Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонун 8-моддасининг 3-қисми).

Бундан ташқари, сугурта полиси ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиш шартномасида кўрсатилган транспорт воситаларининг сонига тенг нусхаларда расмийлаштирилиши керак. Тегишинча, ташувчи илгаригидек ўзи тасдиқлаган нусхасини эмас, балки ҳар битта транспорт воситасига сугурта полисининг асл нусхасини жойлаштиришга мажбур бўлади.

Ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги мансбдор шахсларга ЭКИХнинг 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 146-моддаси).

Қонун Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган, юқорида баён этилган тузатишлар 28.10.2018 йилдан кучга киради.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Исми ёзилган сертификатни эгасига беринг

Хайдовчи «Avtotest Report» МЧЖда малака ошириш учун таълим олди. Ўз номига сертификат олди. Яқинда ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзмоқчи.

Иш берувчи хайдовчини ишдан бўшатаётганда малака ошириш тўғрисидаги сертификатни унга бериши шартми?

– Ҳа, иш берувчи сертификатни ходимга бериши шарт.

ВМнинг 23.02.2018 йилдаги 139-сон қарори 3-бандида белгиланишича, юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқариётган шахслар малака оширишдан ўтиши шарт.

ВМнинг 139-сон қарори 4-бандида аниқ жисмоний шахс номига берилиши назарда тутил-

ган автотранспорт воситалари хайдовчиларининг малака оширгани тўғрисидаги сертификат шакли (1-илова) тасдиқланган.

Сертификат малака оширишдан ўтган аниқ ходим номига расмийлаштирилиши боис у бевосита мазкур ходимда сақланиши шарт. Тегишинча, меҳнат муносабатлари бекор қилинганда сертификат унда қолиши керак.

Класс учун устама

АЖ (унитар корхона муассиси) тармоқ қелишувда хайдовчиларга класс учун қўшимча тўлов назарда тутилмаган. Шу сабабли жамоа шартномаси ва 2018 йилги меҳнат ҳақида харажатлар сметасида у белгиланмаган. Бу транспорт гуруҳидаги айрим хайдовчиларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Хайдовчиларга класс учун тўловларни белгилөөчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжудми?

– Корхона хайдовчиларга класс учун устамаларни фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда тўлаши лозим. Қолган ҳолларда устама ва қўшимча тўловларни белгилаш ихтиёрий саналади.

Юк, енгил автомобиллар ва автобуслар хайдовчиларига класс учун белгиланган тариф ставкаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда хайдовчи сифатида ишлаган вақти учун ойлик қўшимча ҳақ тўланади: 2 класс хайдовчиларига – 10%, 1 класс хайдовчиларига – 25%. Кўрсатилган норма илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари бўлган хайдовчилар учун белгиланган (АВ томонидан 24.05.2016 йилда 2790-сон билан рўйхатдан ўтказилган Шартларнинг 11-банди).

Шунингдек махсус чиқинди йиғиш ва ташиш автомашиналари, юк автомобиллари (самосваллар, бензовозлар ва ассенизация машиналари) хайдовчиларига класслиги учун уларнинг тариф ставкасига қуйдаги миқдорларда устамалар тўланади: 1-классли хайдовчиларга – тариф ставкасининг 25%; 2-классли хайдовчиларга – 10%. Мазкур норма санитария жиҳатидан тозалаш бўйича давлат ихтисослаштирилган ташкилотлари ҳамда ободонлашти-

риш бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматлари кўрсатиш участкаларининг ходимлари бўлган хайдовчиларга нисбатан қўлланади (Низомнинг 10-банди, ВМнинг 26.03.2015 йилдаги 68-сон қарорига 2-илова).

Юқорида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари, қонун ҳужжатларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, республиканинг барча корхоналарида хайдовчиларга класс учун қўшимча тўловлар белгилашга доир мажбурий талаблар қайд этилмаган.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади (МКнинг 153-моддаси 2-қисми).

Сизнинг ҳолатда хайдовчиларга класс учун қўшимча тўлов белгилаш назарда тутилса, бундай шарт жамоа шартномаси ёки корхонанинг бошқа локал ҳужжатида акс эттирилиши лозим.



Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЙЎҚни бузганлик учун жарима тўлашнинг қулай усули

ЯНГИЛИКЛАР

Пойтахтда йўл ҳаракати қоидаларини бузган хайдовчиларга нисбатан маъмурий қораларни қўллашнинг янги тартиби синовдан ўтказилмоқда, дея хабар беради Тошкент ИИББ ЙЎХБ матбуот хизмати.

Янги тизимнинг ишлаш механизми қуйдагича. ЙЎҚ бузилганлиги далили бўйича ЙПХ инспектори баённома тузади ва маълумотларни ЙЎХБ Маъмурий амалиётнинг комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади.

Хайдовчи почта орқали жарима солинганлиги тўғрисида хабарнома олади, унда биллинг кичик тизими орқали жаримани тўлаш учун зарур код кўрсатилган бўлади. Жаримани исталган банкда ёки электрон тўловлар ти-

зимлари ёрдамида тўлаш мумкин. Квитанция тўлдириш керак эмас, тўлов далили юзасидан чек-ордер берилади. Жаримани 15 кун ичида тўлаш керак, акс ҳолда қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар Мажбурий ижро бюросига берилади.

Хайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйиш назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолда инспектор уни нима қилиши кераклиги ҳозирча аниқ эмас. Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни қўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (АВ томонидан 5.07.2011 йилда 2240-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ҳозирча ўзгартиришлар киритилмади. ИИББ ЙЎХБ матбуот хизматида яқин орада қўшимча ахборот тақдим этишга ваъда бердилар.

«АвтоНорма» бўлимини Алла Ромашко олиб боради.


ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Картчакнинг янги шакли адлия вазирининг 15.08.2018 йилда 3055-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланди.

ННТнинг чет эллик ходимлари учун – аккредитация картчаксининг янги шакли

Хужжат эълон қилингандан кейин янги шаклдаги картчаклар берилди, бироқ бунгача берилганлари амал қилиш муддати тугагунга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, аккредитация картчаксини чет эл фуқаросига Ўзбекистонда бўлиш ва меҳнат фаолиятини, бироқ фақат уни қабул қилаётган ННТда амалга ошириш ҳуқуқини беради.



AKKREDITATSIYA KARTCHAKSI
ACCREDITATION CARD

Familyasi, ismi va
otasing ismi/Full name

(Tashkilot/Organization)
(Lavozim/Position)

Ro'yxat raqomi: XXXX

Muddat: XX/XX/20XX gacha

Imzo:

ННТнинг, шу жумладан, диний ташкилотлар, халқаро ва хорижий ННТ ваколатхоналари ва филиалларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимлари, шунингдек уларнинг қарамонидagi оила аъзолари аккредитациядан ўтказилади.

Аккредитациядан ўтказиш учун қабул қилаётган ННТ Адлия вазирлигига зарур хужжатлар илова қилинган ариза беради ва 5 ЭКИХ миқдоридa йигим тўлайди. Ариза 1 ой мобайнида кўриб чиқилади.

Хужжат Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 16.08.2018 йилдан кучга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълон

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59 телефони орқали



(шаҳарлараро кўнгирақлар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 8371) соҳиб соғли ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертиларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтаининг 5 куни давомида соат 10.00 дан 17.00 гача, Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.

ТУЗАТИШ

«Норма маслаҳатчи» газетаси 17.07.2018 йил 29 (678)-сонининг 2-бетидаги «Мижозлар ҳуқуқлари ҳимояси учун» материалнинг «Бешинчидан, кредит шартномаси бўйича қарз» деб бошланган хатбошисидagi «Хабарнома соат 20.00 дан 8.00 гача фақат мижознинг қўлига топширилади» деган жумла «Хабарномани маҳаллий вақт билан соат 20.00 дан 8.00 гача қўлга топшириш ва у ҳақда телефон воситалари орқали оғзаки эслатмалар қилишга йўл қўйилмайди» деб тuzатиб ўқилсин.

Холангиз бор бўлса

Мен фуқаролиги бўлмаган шахсман, Ўзбекистонда Тошкент шаҳар Сергели туманида доимий рўйхатдан ўтганман. Яққасарой туманидаги холамниқига қайта пропискадан ўтмоқчиман.

Бунинг учун қандай хужжатларни тақдим этишим керак?

Искандар Р.

– Рўйхатдан чиқишни расмийлаштириш учун Сергели ТИИБга қуйидаги хужжатларни тақдим этишингиз зарур:



➤ яшаш жойини ўзгартириш сабабини кўрсатган ҳолда ички ишлар органи раҳбарияти номига эркин шаклда ёзилган ариза;

➤ фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси;

➤ уй дафтари ёки 4–5-шаклдаги прописка картчакси, квартира картчакси;

➤ давлат божи тўланганлиги тўғрисида қвитанция.

Рўйхатдан чиқишни расмийлаштириб, Яққасарой туманидаги холангизниқига доимий пропискадан ўтиш учун қуйидагиларни тақдим этишингиз зарур:

➤ ИИБ томонидан белгиланган шаклдаги ариза;

➤ яшаш гувоҳномаси;

➤ уй-жой хужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➤ турар жой майдонини бериш тўғрисида уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) нотариал тасдиқланган аризаси (розйилиги);

➤ никоҳ тузилганлиги ёки болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➤ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда прописка учун давлат божи тўланганлиги тўғрисида қвитанция (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўйриқнома).

Доимий пропискадан ўтган жойида

Отаси Тошкентда, онаси эса Жиззах вилоятида пропискадан ўтган бўлса, вояга етмаган фарзанд хорижга чиқаётганда биометрик паспортни отасининг яшаш жойи бўйича Тошкентда расмийлаштириши мумкинми?

Абдураззоқова. Тошкент ш.

– 16 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек 16 ёшга тўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахслар чет элга чиққанда уларнинг ота-оналари, васийлари (ҳомийлари), муассасалар ва ташкилотлар вакиллари фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий рўйхатдан ўтган жойидаги ЎЗР ИИБнинг Миграция ҳамда фуқаролиқни расмийлаштириш бош бошқармасининг худудий бўлинмаларига мурожаат қилдилар (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарори 1-илова).

Шу тариқа, фарзандингиз Тошкент шаҳрида отасига тегишли турар жой майдонида доимий пропискадан ўтган бўлса, хорижга чиқаётганда ота-онаси

биометрик паспорт олиш учун фақат доимий пропискадан ўтказилган жойга мурожаат қилишлари мумкин.

Турар жой майдонида муҳтожман

Турмуш ўртоғим билан ажрашгач, болаларим билан квартирасиз, тегишинча, пропискасиз қолдик. Ўз мулким йўқ.

Менга ётоқхона беришларини сўраб ҳокимликка мурожаат қилишим мумкинми?

Нодира.

– Давлат ҳокимиятининг жойлардаги органилари ҳузурида меҳнатга лаёқатсиз, ёлғиз, кекса шахслар, пенсионерлар ва уларнинг оила аъзолари, уй-жойга эҳтиёжи бўлган биринчи марта қурилган ёш оилалар, фуқароларнинг бошқа кам таъминланган тоифалари учун, агар уларнинг жон бошига оладиган ойлик даромади энг кам иш ҳақидан паст бўлса, хусусийлаштириш ҳуқуқсиз ижара шартларида фойдаланиладиган мақсадли коммунал уй-жой фонди мавжуд бўлади.

Турар жойга, шунингдек, турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш қуйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда тегишли ҳокимлик томонидан амалга оширилади:

1) турар жой майдонида эга бўлмаган, хусусий квартиrada ёки яшаш учун яроқсиз уй-жойлар (бараклар, вақтинчалик уйлар, авария ҳолатидаги уйлар, ертўлалар)да яшовчи фуқаролар;

2) ҳар бир оила аъзоси 7 кв.метрдан кам бўлган турар жой билан таъминланганлар;

3) ётоқхоналарда, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарда яшовчилар, мавсумий ва вақтинчалик ҳодимлар, шунингдек, ўқишлари сабабли ётоқхоналарга кўчиб ўтган фуқаролар бундан мустасно;

4) алоҳида шахсий сўтга эга бўлган, қариндошлик алоқалари бўлмаган икки ва ундан кўп оила бўлиб бир квартиrada яшовчилар;

5) алоҳида квартиrada яшашга муҳтож бўлган, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган айрим сурункали касалликларнинг оғир шаклларида чалинганлар.



Фуқароларнинг ҳокимлик томонидан қабул қилинган аризалари дастлаб турар жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Ариза берувчининг турар жой шароитлари текшириб чиқилгандан кейин текширув далолатномаси тузилади, ҳисобга қўйиш ёки рад этиш ҳақида таклиф киритилади, у ҳокимлик қарори билан тасдиқланади.

Ҳокимлиқнинг коммунал уй-жой фондида турар жой бериш ҳақидаги қарори асосида тегишли ҳокимлик фуқарога тақдим этилган турар жойга кўчиб кириш учун бирдан-бир асос бўладиган ягона намунадаги ордери беради (Низом, ВМнинг 28.06.1994 йилдаги 325-сон қарори 1-илова).

Шу тариқа, турар жой майдонида муҳтож бўлган ва вояга етмаган болаларни тарбиялаётган шахс сифатида сизни ҳисобга олишлари тўғрисида ариза билан ҳокимликка мурожаат қилиш ҳуқуқига эгасиз. Бунда ойлик даромадингиз энг кам иш ҳақидан паст бўлиши, юқорида кўрсатилган шароитда яшайётганингиз инобатга олиниб, сизга уй-жой ажратилади.

Санжар Хўжааҳмедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

«Хорижий паспорт» қандай расмийлаштирилади

ҚХТБТ порталида Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳаси жойлаштирилган.

Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (16.08.2017 йилдаги ПФ-5156-сон) мувофиқ, 2019 йилнинг 1 январидан хорижга чиқиш учун рухсат ёзуви стикерини расмийлаштириш тартиби бекор қилинади. Улар ўрнига эса хорижга чиқиш учун Ўзбекистон фуқароларининг биометрик паспортлари жорий этилади.

Шу тариқа, фуқароларда 2 та паспорт бўлиши мумкин:

биометрик паспорт (ички паспорт – тахр.) – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ва эгасининг шахсини тасдиқловчи, электрон

ташувчи қурилма (чип)га эга бўлган ҳужжат; фуқаронинг хорижга чиқиш учун биометрик паспорти («хорижий паспорт» – тахр.) – хорижга чиқиш ва мамлакатимиз ҳудудига кириш, шунингдек хорижда бўлиш пайтида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ва эгасининг шахсини тасдиқловчи, электрон ташувчи қурилма (чип)га эга бўлган ҳужжат. «Хорижий паспорт» ёшга қараб қуйидаги муддатга берилади:

- туғилган кундан 1 ёшгача – 2 йил;
 - 1 ёшдан 16 ёшгача – 5 йил;
 - 16 ёшдан ошган шахсларга – 10 йил.
- Уни расмийлаштириш учун эса қуйидаги ҳужжатларни талаб қилиш тақлиф этилмоқда:



Бир уйда биргаликда

Турмуш ўртоғининг Тошкент ва Тошкент вилоятида прописка қилинишига уй-жой мулкдорининг розилигисиз рухсат беришлари мумкин.

Адлия вазирлиги Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати (14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган) 5-бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова) киритилган ўзгаришлар лойиҳаларини тайёрлади. Тузатишлар ҚХТБТ порталида жойлаштирилган.

Бугунги кунда Рўйхатнинг 5-банди бўйича пойтахт ёки вилоятида доимий пропискага эга бўлиш учун битта шартга амал қилиш керак: эр (хотин)нинг бири доимий прописка қилиниш масаласи юзасидан мурожаат қилган пайтда камида 1 йил биргаликда яшаётган бўлиши керак.



Юқорида кўрсатилган шартни бекор қилиш тақлиф этилмоқда. Яъни тузатишлар тасдиқланган тақдирда эр (хотин), у билан қанча вақт биргаликда яшаганидан қатъи назар, хотини (эри) доимий прописка қилинган турар жой майдонида доимий прописка қилиниши мумкин бўлади.

Маълумот учун! 2016 йилдан буён яна бир қоида амал қилди: Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилингандан сўнг бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда, эр (хотин) бу ерда олingan доимий пропискани йўқотади. Ушбу чора фақат прописка олишни кўзаб сохта никоҳдан ўтиш ҳолларидан ҳимояланишга хизмат қилади. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчилар қоидадан ўз кучида қолдирадilar. Бинобарин, ҳатто тақлиф этилаётган тузатишлар қабул қилиниб, кучга кирса ҳам, у амал қилишда давом этади.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлиш учун зарур ҳужжатлар рўйхатига тузатиш киритиш режалаштирилмоқда. Хусусан, Рўйхатнинг 5-банди бўйича доимий прописка қилинадиганлар қуйидагиларни тақдим этишдан озод қилиниши мумкин:

- турар жой учун ҳужжатларнинг нусхалари;
- уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса.

Лойиҳалар ўзгаририлиши, уларга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Самир Латипов, Олег Заманов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

Республика ичида расмийлаштиришда	Вақтинча консуллик ҳисобида турганлар учун консуллик муассасасида расмийлаштиришда	Доимий консуллик ҳисобида турганлар учун консуллик муассасасида расмийлаштиришда
белгиланган шаклдаги ариза-анкета;	белгиланган шаклдаги ариза-анкета;	белгиланган шаклдаги ариза-анкета;
ташкilotнинг белгиланган намунадаги ёзма илтимосномаси – фуқаро мажбур ташкilot томонидан хорижга юборилган бўлса;	илгари берилган биометрик паспорт ёки хорижга чиқиш учун биометрик паспорт (мавжуд бўлганда);	илгари берилган биометрик паспорт ёки хорижга чиқиш учун биометрик паспорт (мавжуд бўлганда);
биометрик паспорт ёки ID-карта; 16 ёшга тўлмаган фуқаролар учун биометрик паспорт ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёхуд ID-карта;	туғилганлик ҳақида гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган фуқаролар учун);	туғилганлик ҳақида гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган фуқаролар учун);
илгари берилган хорижга чиқиш учун биометрик паспорт (мавжуд бўлганда);	ҳарбий ёки қайд этиш гувоҳномасининг нусхаси (ҳарбий хизматга мажбурлар учун);	биометрик паспортни ёки хорижга чиқиш учун биометрик паспортни йўқотиб қўйганлиги ҳақидаги маълумотнома (паспортни йўқотиб қўйганда);
ваколатли органнинг қарори (хорижга чиқиш учун биометрик паспорт ашёвий далил сифатида олиб қўйилганда); ҳарбий ёки қайд этиш гувоҳномасининг нусхаси (ҳарбий хизматга мажбурлар учун);	фуқаро хорижга чиқишига ота-онаси, васий (ҳомий)ларининг нотариал тасдиқланган розилиги (вояга етмаганлар учун);	консуллик йигими ва бошқа йигимлар тўланганлиги ҳақида қвитанция
давлат божи тўланганлиги ҳақида қвитанция;	фуқарога ҳамроҳлик қилувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти (вояга етмаганлар учун);	
фуқаро хорижга чиқишига ота-онаси, васий (ҳомий)ларининг нотариал тасдиқланган розилиги (вояга етмаганлар учун);	биометрик паспортни ёки хорижга чиқиш учун биометрик паспортни йўқотиб қўйганлиги ҳақидаги маълумотнома (паспортни йўқотиб қўйганда);	
фуқарога ҳамроҳлик қилувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти (вояга етмаганлар учун)	консуллик йигими ва бошқа йигимлар тўланганлиги ҳақида қвитанция	

Маълумот учун: Ўзбекистон фуқаролари 1.01.2021 йилга қадар кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган давлатлар ҳудудига ички паспортдан фойдаланган ҳолда чиқишлари мумкин. Улар паспортнинг амал қилиш муддатида хорижда бўлиш учун ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета НОРМА МАСЛАХАТЧИ ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.	Бosh муҳаррир Фарход Собирович КҮРБОНБОВ Нашр учун масъул – бosh муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ	Адабий муҳаррир Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА	ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1, Таҳририят тел. 200-00-90 Обуна бўлими тел. 200-00-30 E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz	Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90; Рекламини жойлаштириш бўйича 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.
---	---	---	---	---

Газета нашр – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр қўрастичи – 198. Қўра бичими – А3. Ҳаракат – 2 босма тибок. Басма кўрастичи нарҳда. Букортма 358. Адади 825. Газета 2018 йил 20 август соат 16.15 да топширилди.

Газета «Lux Print» МЧЖда босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Таллимаржон кўчаси, 1/1.

ISSN 2010-5223